САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АМИНЖОНОВ ШЕРЗОД МИРАБОСОВИЧ

ҲАЙВОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ИММУНОПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

УЎК.: 619:636:576.89:616.084

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Аминжонов Шерзод Мирабосович
Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш.....3

Аминжонов Шерзод Мирабосович
Основные цестодозы животных и производство иммунопрофилактических мероприятий по борьбе с ними…….....25

Aminjonov Sherzod Mirabosovich
Main Cestodoses of Animals and Fight Production of Immunopreventive Actions with Them.....…….....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....49

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АМИНЖОНОВ ШЕРЗОД МИРАБОСОВИЧ

ҲАЙВОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ИММУНОПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/V2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Матчанов Назар Маткаримович** ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ғафуров Актам Ғофурович** ветеринария фанлари доктори, профессор
	Носиров Фарҳод Шодиевич тиббиёт фанлари доктори
	Мавланов Собиржон Ибадуллаевич ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д, профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д

Х.С.Салимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда экологик ва антропоген омиллар таъсирида ҳайвонларнинг асосий цестодозларидан бири ҳисобланган эхинококкоз касаллиги дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида глобал тарзда тарқалган бўлиб, эпизотологик ва эпидемиологик аҳамият касб этувчи жуда хавфли касаллик ҳисобланади[1]. Эхинококкоз билан АҚШ шароитидаги қўйларнинг 9,8 фоизи итларнинг 11,3 фоизи, Россиянинг Марказий Кавказ регионида, мос ҳолда, 35-50 ва 25-100 фоизи, Қозоғистонда- 33,1 ва 68,7 фоизи, Ўзбекистонда 15,8 ва 20,0 фоизи зарарланган.

Дунё миқёсида кенг тарқалган ҳайвонларнинг асосий паразитар ва инвазион касалликлари ва уларнинг эпидемиологик ҳолатини тезкор аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, даволаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда, чўл, ярим чўл, тоғолди-тоғ минтақасида одам ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг асосий цестодозлари ҳисобланган эхинококкоз, мультицептоз ва тениоз билан зарарланиш ҳолатини мониторинг қилиш, касалланган ҳайвонлар организмида кечадиган морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ушбу касалликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш, келажакда ҳудудларни биоэкологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда ҳайвонларни гижжасизлантириш тадбирларни ишлаб чиқиш, хўжаликларда ҳайвонларни инвазион касалликларини тўлиқ бартараф этишда иммунопрофилактика тадбирларини қўллаш муҳим долзарб илмий-амалий муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилди. Бунда чорва моллари бош сони ва маҳсулдорлигини кўпайиши, шунингдек хайвонларни турли хил зооаноз, юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларини олдини олиш ва тизимли тадбирларни йўлга қўйилишига эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида урғу берилганки, бу борада чорва ҳайвонларининг асосий инвазион касалликлари ва уларга қарши курашишда иммунопрофилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, маҳаллий штамлар асосида паразитар касалликларга қарши вакциналар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик

[1] Borji H., Retrospective study of abattoir condemnation due to parasitic infections. Iran // J Parasitol. 2012, october. №98(5). P. 954-947.

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПҚ-4947-сон фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ҳайвонларнинг эхинококкоз касаллигига эртачи ташҳис қўйиш, даволаш ва олдини олиш борасида илмий йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for Parasitology, University of Zurich (Zurich, Switzerland), AgResearch, Wallaceville Animal Research Centre (Upper Hutt, New zelland), Sichuan Centre for Disease Control and Prevention (Chendu, China), Бутунроссия экспериментал ветеринария институти (Россия) ва Ветеринария илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ҳайвонларнинг асосий цестодозларининг эпизоотологияси, қўзғатувчиларининг биологияси ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: эхинококкоз касаллиги қўзғатувчиларининг ривожланиш босқичлари аниқланган (University of Zurich[2]); ҳайвонларда эхинококкознинг эпизоотологияси ишлаб чиқилган (Institute for Parasitology); Echinococcus granulosus онкосфералари антигенининг махсуслиги (Sichuan Centre for Disease Control and Prevention[3], Chendu, China) аниқланган; қўйларнинг эхинококкоз (Wallaceville Animal Research Centre) ва қорамолларнинг цистицеркоз касалликларига қарши вакциналар ишлаб чиқилган (Cooper Animal ва Mal Teep, Melburn); қўйлар ценурозига қарши бутун ҳаёти давомида иммунитет ҳосил қилувчи вакцина ишлаб чиқилган (Veterinary scientific-research institute, Uzbekistan).

Бугунги кунда дунёда ҳайвонларнинг инвазион касалликларни бартараф қилиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалланган ҳайвонларни иммунологик, морфологик, биокимёвий текшириш услубларни такомиллаштириш; замонавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш; самарали антигельминт препаратларини қўллаш; такомиллашган қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мустаҳкам иммунитет ҳосил қилувчи

[2] Torgerson P.R., Ann. Trop. Med and Parasitology, 2001, 95, № 2, 177-185.
[3] Xu M.A., The 16-th Int.Congr. of Hydatidol., Beijing, 1993, Abstracts, Beijing, China, 333.

вакциналар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг турли биоценозларида уй ҳайвонлари ва айрим ёввойи йиртқич хайвонларнинг гельминтофаунаси ҳамда асосий цестодозларини ўрганиш асосида эхинококкоз, ценуроз ва мультицептоз касалликларига ташҳис қуйиш, қарши кураш чора-тадбирлари бўйича В.С.Ершов, И.Х.Иргашев, Н.М.Матчанов, В.М.Содиқов, М.Аминжонов, М.Мухсинов, Т.Ғазнакулов, П.Хақбердиев, Б.Хакимов, А.Нарзуллаев, Х.Арзиевлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Шунингдек, дунё миқёсида чорва молларини асосий цестодозларининг эпизоотологияси, биологияси, клиник белгилари ва қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича бир қатор хорижий муаллифлар P.R.Torgerson, M.A.Xu, G.Bartelli, M.Martini, E.Attanasio, П.П.Випе, А.И.Садихов, О.В.Теплов, Г.Р.Ярулинлар томонидан илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Республикамизда чорва молларнинг асосий цестодозларини олдини олиш тизимини барча бўғинларида такомиллаштириш зарур бўлган муаммолар мавжуд, шунинг учун ҳам ушбу касалликларнинг эпизоотологияси, замонавий олдини олиш ва қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ҚХА-10-006 «Одам ва ҳайвонларни эхинококкоз касаллигига қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш» (2009-2011 йй.); ИҚХ-2012-5-7 «Итларнинг эхинококкоз ва мультицептозига қарши ассосацияланган вакцинани ишлаб чиқариш ва қўллаш» (2012-2013 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида асосий цестодозларнинг эпизоотологиясини аниқлаш ва иммунопрофилактикага асосланган олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон шароитидаги қўйлар ва итларда асосий цестодозлар эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

оралиқ ҳамда дефинитив хўжайинларда асосий цестодозларнинг тарқалиши, мавсумий ҳамда итларнинг хизмат вазифаси, ёши ва жинсига боғлиқ динамикасини асослаш;

Echinococcus granulosusнинг итлар организмида ривожланиши ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида унинг биологиясини асослаш;

қўйларда эхинококкоз касаллигининг морфологик, клиник, патологоанатомик, гельминтоларвоскопик, гематологик ва биокимёвий ташҳис мезонларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

қўй ва итларда асосий цестодозларнинг махсус соғломлаштириш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш;

итлар эхинококкозига қарши турли антигельминтиклар (водород

бромидли ареколин, шунингдек, фебендазол, фенасал, битионол, фебантел, мебендазол ва дисалланнинг турли концентрациядаги эритмалари, цестан, Брованол-Д, Брованол-М, Брованол плюс) таъсирини илмий асослаш;

қўйлар эхинококкозига қарши кураш тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси қўйчилик хўжаликлари шароитларидаги эхинококкоз ва мультицептоз билан касалланган қўйлар ва итлар, эхинококк, ценур ва мультицепс пуфакчалари, соғлом ҳамда эхинококкоз билан касалланган қўйлардан олинган қон намуналари, эхинококкозга қарши вакцина, шунингдек, водород бромидли ареколин, фебендазол, фенасал, битионол, фебантел, мебендазол, дисаллан, цестан, Брованол-Д, Брованол-М ва Брованол плюс антгельминтиклари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, чорва моллари ва йиртқич ҳайвонларнинг турли ички аъзоларида паразитлик қилувчи эхинококк, мультицепс, тения каби паразитлар, ҳамда эхинококкоз, мультицептоз ва тениоз билан зарарланган ҳайвонлар организмида кечадиган клиник, гематологик, биокимёвий ва иммунопрофилактика тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий-тадқиқотларни бажаришда клиник, гельминтоларвоскопик, патологоанатомик, гематологик, биокимёвий ва иммунологик текшириш, шунингдек, жун сифатини таҳлил қилишда махсус усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитидаги қўйлар ва итларда асосий цестодозлар эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари, табиий шароитларда инвазиянинг сақланиши ва тарқалишида ит-қўй-ит тизимининг зарур эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамияти асосланган;

оралиқ ҳамда дефинитив хўжайинларда асосий цестодозларнинг морфологияси, тарқалиши, мавсумий ҳамда итларнинг хизмат фаолияти, ёши ва жинсига боғлиқ динамикаси аниқланган;

*Echinococcus granulosus*нинг итлар организмида ривожланиши ва унга таъсир этувчи биоэкологик омиллар асосланган;

қўйларда эхинококкознинг морфологик, клиник, патологоанатомик, гельминтоларвоскопик, гематологик ва биокимёвий ташҳис мезонлари ишлаб чиқилган;

итлар эхинококкозига қарши водород бромидли ареколин, фебендазол, фенасал, битионол, фебантел, мебендазол ва дисалланнинг турли концентрациядаги эритмалари, цестан, Брованол-Д, Брованол-М, Брованол плюс антигельминтикларининг самарадорлиги очиб берилган;

қўйлар эхинококкозининг иммунопрофилактика тадбирлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

экспериментал зарарлантирилган итлар ичагида ривожланаётган эхинококкоз қўзғатувчиларининг морфологик жиҳатдан турлари ва уларнинг ривожданишида мавсумийликнинг мавжудлиги аниқланди, хусусан, уларнинг 91 фоизини тўрт бўғимли ва 9 фоизини беш бўғимли паразитлар

ташкил этиши ва бунда уч бўғимли паразитларнинг кузатилмаслиги, шунингдек, паразитларнинг ёзда 35 кунда, кузда 45 кунда, қишда 97 кунда тўлиқ ривожланиши аниқланган;

итларда инвазия экстенсивлигининг қатъий мавсумийлиги аниқланди, хусусан, эхинококкозда бу кўрсаткичнинг ёзда 11,4 фоиз, кузда 14,3 фоиз, қишда 27,6 фоизни, мультицептозда эса, мос ҳолда, 9,8 фоиз, 23,4 фоиз, 34,3 фоизини ташкил этиши, баҳорда ҳар икки ҳолатда ҳам бу кўрсаткичнинг пасая бошлаши аниқланган;

экспериментал зарарлантирилган қўйларда *E.granulosus* ларвоцистларида протосколексларнинг 450 кунда ривожланиши ва бундай ривожланишнинг ахталанган қўчқорларда қўйларга нисбатан 2-4 ой олдин амалга ошиши, шунингдек, *E.granulosus* билан зарарлантиришнинг 510 ва 570-кунларига келиб қўйларда *E.granulosus* ларвоцистлари учраши аниқланган;

Қизилқум худудида қўйлар эхинококкози ривожланишининг ўзига хослиги аниқланди, хусусан, ушбу ҳудудда қўйларнинг эхинококкоз билан зарарланиш даражасининг ўртача 60 фоизини ташкил этиши ва бунда касалликка чалиниш бошқа ҳудуд ва минтақалардагига ўхшаб табиий равишда амалга ошсада, лекин пуфакларнинг ҳайвон организмида тўлиқ ривожланмасдан уларнинг аксарият қисмининг ўлик ҳолатда бўлиши аниқланган;

амалга оширилган махсус соғломлаштириш тадбирларининг учинчи йилида эхинококкоз бўйича эпизоотик ҳолатни тубдан ўзгартиришга эришилди, хусусан, итларнинг эхинококкоз билан зарарланиш даражасини 12,2 мартага (тадбирдан олдинги 6,1 фоиздан унинг учинчи йилида 0,5 фоизини ташкил этиши) камайтиришга, мультицептоз билан зарарланишини эса батамом бартараф этишга, шунингдек, қўйларнинг эхинококкоз билан зарарланиш даражасини 1,4 фоизгача, ценуроз билан зарарланиш даражасини эса 0,3 фоизгача пасайтиришга эришилган;

амалга оширилган махсус иммунопрофилактика тадбирлари натижасида қўзилар эхинококкози бўйича 80,0-93,3 фоиз экстенссамарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Ветеринария илмий тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолар берилган. Олинган рақамли маълумотлар биометрик ишловдан ўтказилган. Лаборатория ва дала тажрибалари далолатномалар билан асосланган. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳайвонларда эхинококкоз ва мультицептоз касалликларини қўзғатувчиларининг биологияси, эпизоотологияси, касаллик пайтида кузатиладиган морфологик, клиник, гематологик, биокимёвий ўзгаришлар, шунингдек, янги антигельминт препаратларни эхинококкоз қўзғатувчиси ҳамда унинг тухумига таъсири ҳамда унинг иммунопрофилактикаси бўйича олинган

маълумотлар зоология ва паразитология фанларининг илмий жиҳатларини такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган «Эхинококкоз касаллиги қўзғатувчисига қарши иммунопрофилактика усули»дан ҳайвонларнинг эхинококкозига қарши кураш тадбирларини амалга оширишда қўлланма сифатида фойдаланиш, шунингдек, олинган илмий маълумотлар ҳамда иммунопрофилактика усулини тегишли таълим турларининг гельминтология, зоология ва биология ўқув режаларини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Итлардаги мультицептоз касаллигини профилактикаси учун вакцина» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04504, 2012 й.). Бунда итларда мультицептозга қарши вакцинани қўллаш орқали 90,0 фоиз самарадорликка эришиш имконини берган;

ишлаб чиқилган вакцина Қашқадарё вилояти Ғузор туманида “Пачкамар” наслчилик хўжалигида 348 бош, “Ғузор” наслчилик хўжалигида 452 бош ва Нишон туманида “Нишон” наслчилик хўжалигида 651 бош қўйларда эхинококкоз ва мультицептоз касалликларини олдини олиш жараёнига жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 2016 йил 23 ноябрдаги 48/4-1734-сон маълумотномаси). Натижада мазкур вакцина қўлланилиши орқали эхинококкоз ва мультицептознинг олдини олишдаги самарадорлик кўрсаткичи 89,7 фоизни ташкил этган;

Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Нишон туманларининг наслчилик хўжаликларида қўй ва итларнинг эхинококкоз ва мультицептоз касалликларига қарши махсус иммунопрофилактика тадбирлари жараёнига жорий этилган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 2016 йил 23 ноябрдаги 48/4-1734-сон маълумотномаси). Ушбу махсус иммунопрофилактика тадбирларини ўтказилиши натижасида 80,0-93,3 фоиз самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида ҳайвонларнинг асосий цестодозлари бўйича тарихий маълумотлар, ҳайвонларнинг асосий цестодозларининг систематикаси ва таксономияси, *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) личинкаларининг морфологияси ва ривожланиши, ҳайвонларда цестодозларнинг олдини олиш чоралари бўйича хорижий давлатлар ва республикамиз олимларининг илмий ишлари натижаларининг қисқача тавсифи келтирилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, паразитар касалликларга нисбатан иммунитетнинг нисбийлиги таълимоти ҳукм суриб турган бир пайтда XX асрнинг 90 йилларига келиб профессор М.Аминжонов томонидан ҳайвонларнинг ценуроз ва эхинококкоз касалликларига қарши вакцина яратилган. Лекин, шунга қарамасдан, Ўзбекистоннинг ўзига хос биоценозлари шароитида эхинококкоз касаллигининг қўзғатувчиси *Echinococcus granulosus*нинг итлар организмида, унинг ларвоцистларининг эса қўйлар ва бошқа сут эмизувчилар организмида ривожланиши, касаллик эпизоотологиясида абиотик экологик ҳамда антропоген омилларнинг ўрнини аниқлаш, шунингдек, ҳайвонларда эхинококкоз касаллигининг эртачи ташҳис, гижжасизлантириш ҳамда иммунопрофилактикага асосланган қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертациянинг **«Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари бўйича тадқиқот объектлари ва услублари»** бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг «Гельминтозооноз» лабораторияси ҳамда Қоракалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг қўйчилик хўжаликларига қарашли совлиқ ва қўзилар, шунингдек, ҳар хил хизмат функцияларини бажарувчи итлар танлаб олинди.

Тажрибаларда 2009-2016 йиллар давомида *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786)нинг итлар ичагида, шунингдек, эхинокоз қўзғатувчилари ларвоцистларининг қўйлар ва бошқа оралиқ хўжайинлар организмида ривожланиши, асосий цестодозларининг эпизоотологияси, эхинококкоз пайтида қўйлар организмида кузатиладиган клиник, гематологик, биокимёвий ўзгаришлар ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш,

шунингдек, гижжасизлантириш ва иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда клиник, гельминтологик, патологоанатомик, гематологик, биокимёвий, микроскопик ва иммунологик текшириш усулларидан, шунингдек, жун сифатини таҳлил қилишда махсус усуллардан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«*Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) нинг ривожланишини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари»** деб номланган учинчи бобида дастлаб ***Echinococcus granulosusнинг итлар ичагидаги тараққиётини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари*** берилган. Бунда итлар эхинококк протосколекслари билан зарарлантирилмасдан олдин протосколекслар морфологиясини ўрганиш учун қўйларда аниқланган эхинококк ларвоцистларида мавжуд протосколекслар оҳиста ювиб олинди ва физиологик эритмали идишга солинди. Микроскопнинг 7 окуляри ва 8, 20 ва 40 объективлари ёрдамида протосколекслар анатомик жиҳатдан текширилди.

Тажриба учун 24 бош юқумли ва бошқа паразитар касалликлардан холи, соғлом 3-4 ойлик итлардан фойдаланилди ва улар 7 кун оралиғида икки марта водород бромидли ареколин билан (М.Аминжонов усули, 1984) гижжасизлантирилди ва бир ҳафтадан кейин паразит протосколекслари билан зарарлантирилди. Бунда қизилўнгач зонди орқали ҳар бир бош итга 25 минг дона тирик протосколекс юборилди. Зарарлантирилган итлар 2 бошдан 12 та гуруҳга бўлинди ва улар тажрибаларнинг 7, 14, 21, 28, 33, 45, 60, 75, 90, 120, 180 ва 240 кунларида ичакдаги эхинококк онкосфераларига текширилди. Тажриба баҳор мавсумида бошланиб, ёз фаслида ҳам давом этди. Қиш ва куз мавсумларида ҳам айнан шу тартибда 12 бош итда тажриба ўтказилди.

Зарарлантиришнинг 240-куни икки бош ит сўйилди ва бунда ҳар бир бош ит ичагида топилган эхинококк миқдори ўртача 7430 дона ни ташкил этди. Улардан 220 донаси микроскопик текширилганда уч бўғимли паразитлар топилмади, 91,0%-ини тўрт бўғимли, 9,0%-ини беш бўғимли паразитлар, шунингдек, илмоқларнинг узунлиги катталарида 0,040-0,048 мм ни, майдаларида эса 0,031-0,039 мм ни ташкил этди. Баҳор фаслида E.granulosusнинг итлар организмида ривожланиши 75 кунда тугалланди ва шу кундан бошлаб уларнинг нажасида паразитнинг инвазион элементлари борлиги аниқланди.

Олиб борилган 3 босқичли тажриба натижалари шуни кўрсатдики, баҳор мавсумида зарарлантирилган итларнинг ичагида эхинококклар ривожланиши биринчи ҳафтада секин давом этади. Бу ёшдаги паразитлар эхинококк пуфакларида бўлган протосколекслардан тузилишига кўра фарқ қилмади. Аммо айрим эхинококкларда бўйиннинг чўзилган ҳолатда бўлиши кузатилди. Жинсий аъзоларнинг пайдо бўлиши бошланмаганлиги аниқланди.

Зарарлантирилгандан 14 кун кейин эхинококкларнинг танасида бош қисми, бўйин, ва битта-иккита бўғимлар, шунингдек, айрим эхинококкларнинг иккинчи бўғимида жинсий аъзолар пайдо бўла бошланганлиги, уларнинг шарсимон ёки доирасимон тўдалардан иборат эканлиги аниқланди. Демак, эхинококкларнинг танасида қисмларга бўлиниш

ривожланишнинг биринчи ҳафтасидан кузатилиши маълум бўлди.

Echinococcus granulosus билан сунъий зарарлантирилган қўйларда ларвоцистларнинг ривожланишини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, қуйлардаги *E.granulosus* ларвоцистларида протосколексларнинг ривожланиши зарарлантирилгандан кейин 450 кунда, ахталанган қўчқорчаларда эса ундан 2-4 ой олдин тугалланди ва протосколексларнинг катталиги 165-186х113-119 мкм га тенг бўлади.

Echinococcus granulosus ларвоцистларининг оралиқ хўжайинлар организмида ривожланишини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, *E.granulosus*нинг биологик тараққиёти икки тур организмда, шундан, личинкалик даври оралиқ хўжайин организмида, шу жумладан, кавш қайтарувчи уй ҳайвонларда ривожланади.*E.granulosus*нинг личинка даври тухум, онкосфера ва ларвоцистлар (пуфак) даврларини ўз ичига олади ва охирида *E.granulosus*нинг вояга етган шакли пайдо бўлади. Шундай элементлардан бири ларвоцистлар протосколекси ҳисобланади ва унинг шакли ва катталиги турли оралиқ хўжайинларда турлича намоён бўлади. Жумладан: чўчқаларда протосколекслар узунроқ бўлиб, катталиги 170-181х108-119 мкм, қўйларда шакли думалоқ бўлиб, катталиги 165-186х113-119 мкм, қорамолларда ҳам думалоқ шаклда намоён бўлади. Туяларда нисбатан кичик (45-155х113-124 мкм) ва юмалоқ шаклда бўлади.

Қизилқум худудларида қўйларнинг эхинококкоз билан зарарланиши 60,0% гача етиши, ҳайвонлар организмида пуфакларнинг тўлиқ ривожланмасдан қолиши аниқланди.

Диссертациянинг **«Цист-эхинококкози (гидатидоз) нинг эпизоотологиясини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида дастлаб ***итларнинг вилоятлар бўйича хизмат тури, жинси ва ёшига боғлиқ ҳолда асосий цестодозлар билан зарарланишинианиқлаш*** учун тадқиқотлар Республиканинг турли минтақаларида жами 1034 бош (817 таси чўл - яйлов минтақасида ва 217 – тоғолди - тоғ минтақасидан, шунингдек, 261 боши Самарқанд, 33 – Қашқадарё ва 740 боши Қорақолпоғистон Республикасидан) итда олиб борилди. Текширилган итлардан 508 бошини сурув ва 526 бошини қишлоқ итлари, 493 бошини эркак, 537 бошини урғочи, шунингдек, 367 бошини бир ёшгача, 395 бошини икки ёшгача ва 297 бошини икки ёшдан катта итлар (Canis familiaris) ташкил этди. Ҳар бир мавсумда ўртача 227- 288 бош ит икки йўл билан, асосан, гижжасизлантириш ва қисман, сўйиш йўли билан текширилди.

Гижжасизлантириш 5 мг/кг миқдорида водород бромидли ареколин препаратининг 0,1% сувли эритмасини ичириш орқали амалга оширилди. 2-3 соат давомида итларнинг ҳар бир ажратган нажаси цестодларга ва уларнинг узилиб тушган бўғимларига текширилди. Уларда цестодлар борлиги аниқланса, итларга иккинчи марта ўша миқдор ва усулда ареколин препарати такрорий юборилди. Итларнинг нажасида паразитлар ёки уларнинг алоҳида бўғимлари кузатилмаса, препарат такрорий берилмади. Ажралиб чиққан

цестодлар йиғиб олиниб, сувда тозалаб ювилгач, уларнинг сони ва турлари аниқланди.

Итларни (Canis familiaris) гельминтологик ёриш ҳамда гижжасизлантириш йўллари билан эхинококкоз, мультицептоз ва тениоз қўзғатувчилари – *Ehinococcus granulosus, Multiceps multiceps, Taenia hydatigena*лар билан зарарланиш даражасига текшириш натижалари шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ўтказилган текширишларда 740 бош итнинг 71 боши (9,5%) эхинококкозга, 118 боши (15,9%) мультицептозга, 100 боши (10,2%) тениозга чалинганлиги аниқланди. Самарқанд вилоятининг ширкат хўжаликлари ҳудудида текширилган 261 бош итда T.hydatigena учрамади. Аммо 143 тасидан 72 боши (27,6%)да эхинококкоз ва 71 боши (27,2%) мультицептоз (мос ҳолда, 27,6 ва 27,2%) кузатилди. Қашқадарё вилояти хўжаликлари шароитидаги итларнинг эхинококкоз билан 75,8%, мультицептоз билан 24,2% зарарланганлиги аниқланди. Эхинококкозга чалиниш даражаси қишлоқ итларида ўртача 15,8%, сурув итларида 11,2% ни, мультицептозга чалиниш даражаси эса, мос ҳолда, 24,7 ва 15% ни ташкил этди. Тениоз фақатгина сурув итларида кузатилди (10,2%).

Вилоятлараро таҳлил қилинганда, мультицептоз билан кучли зарарланиш Самарқанд (29,4%) ва Қашқадарё (34,3%) вилоятларининг қоракўлчилик хўжаликлари итлари орасида кузатилди. Қишлоқ итларининг эхинококкоз, мультицептоз қўзғатувчилари билан сурув итларига нисбатан бундай юқори даражада зарарланганлиги ушбу экологик гуруҳга кирувчи *C.familiaris*нинг нафақат муҳим эпизоотологик, балки муҳим эпидемиологик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

493 бош эркак ва 541 бош урғочи итларда ўтказилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган цестодозлар қўзғатувчилари билан эркак итларга нисбатан урғочи итларнинг кўпроқ зарарланиши маълум бўлди. Хусусан, эхинококкоз билан зарарланиш эркак итларда ўртача 12,4%, урғочи итларда 16,6% ни, мультицепталар билан, мос ҳолда, 15,6 ва 22,9% ни, тениоз билан зарарланиш, мос ҳолда, 7,5 ва 13% ни ташкил этди.

367 бош бир ёшгача, 395 бош бир ёшдан икки ёшгача ва 279 бош икки ёшдан катта итларда ўтказилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, эхинококкознинг инвазия экстенсивлиги итларнинг ёшига қараб ўсиб борди ва бу кўрсаткич бир ёшгача бўлган итларда 9,3% ни, икки ёшгача бўлган итларда 14,2%, икки ёшдан катта итларда 20,2% ни, тенидиялар билан зарарланиш, мос ҳолда, 4,6%, 13,4% ва12,5%ни ташкил этди.

Итларнинг йил фаслларига боғлиқ ҳолда асосий цестодозлар билан зарарланишини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, итларнинг эхинококкоз қўзғатувчилари билан зарарланиш экстенсивлиги 11,4%, мультицептоз билан 9,8%, тениоз билан 8,5% ни, куз мавсумида, мос ҳолда, 14,3%, 23,4%, 9,9%, қишда эхинококкоз билан 19,8%, мультицептоз билан 39,8% ни ташкил этди. Баҳор ойларида ҳар икки инвазия ҳам пасайиб борди.

Диссертациянинг **«Эхинококкоз пайтида қўйларнинг клиник,**

гематологик, биокимёвий ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида тажрибани бошлашдан олдин 3 бош ит бир марта 5000 дона ҳаракатчан ва инвазион протосколекслар билан оғиз орқали зарарлантирилди. Ит нажасида эхинококкларнинг бўғимлари пайдо бўлгандан кейин, яъни 97-кунда улар сўйилиб, ичакларидан паразит онкосфералари йиғиб олинди. Уларнинг тириклик ва инвазионлик даражалари текширилди. Тирик онкосфералар кўк рангга бўялди, ўликлари бўялмади. Инвазион онкосфералар қорамтирроқ бўлиб, илмоқлари тўлиқ кўзга ташланади.

Тажриба учун 50 бош қоракўл зотли қўзилар танлаб олинди ва улар 14 бошдан 3 та тажриба ва 8 бошдан иборат назорат гуруҳларига ажратилди.

Биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳидаги қўзиларга, мос ҳолда, 6000 дона эхинококк онкосфераларини бир мартада ва 3000 донадан 10 кун оралиғида икки мартада берилди. Учинчи тажриба гуруҳига эса 200 донадан кун ора бир мартадан икки ой давомида едириб борилди. Назорат гуруҳидаги қўзилар зарарлантирилмади. Ҳайвонлар 510 кун давомида клиник текширишлардан, улардан олинган қон намуналари эса морфологик ва биокимёвий текширишлардан ўтказиб турилди. Маҳсулдорлиги назорат қилиб борилди. Улар кейин сўйилиб, ички органлари ларвал эхинококкларга текширилди.

Тажриба давомида назорат гуруҳидаги ҳайвонларда умумий аҳволнинг доимо қониқарли бўлиши ва иштаҳанинг сақланиши кузатилди. Қондаги эритроцитлар сони ўртача 8,2±0,41-9,5±0,41млн /мкл, гемоглобин-88,8±2,5-96,0±3,2 г/л (P<0,01), умумий оқсил-62,5±2,2-66,6±2,5г/л, альбуминлар-14,5±0,77-15,8±0,88 г/л ва глюкоза -2,10±0,02-2,44±0,02 ммоль/л ни ташкил этди (P<0,05).

Тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларда тажриба бошида безовталаниш, иштаҳа беқарорлиги, тахикардия, ҳансираш, зарарлантиришнинг олтинчи ойига бориб эса, ушбу белгилардан фақат иштаҳа беқарорлигининг сақланиб қолиши, бундан ташқари, пальпацияда жигарнинг оғриқ сезиши, ўн икки ойдан кейин эса, булардан ташқари, шиллиқ пардаларнинг оқариши, тишини ғижирлатиш белгилари кузатилди. Тажрибанинг ўн иккинчи ойига келиб, қондаги эритроцитларнинг тажриба гуруҳларида назоратга нисбатан ўртача 1,6 (8,5%), 1,4 (8,3%) ва 1,9 (7,7%) млн /мкл га (P<0,05), гемоглобиннинг-24,0 (7,5%), 18,0 (7,9%) ва 26,4 (7,1%) г/л га, умумий оқсилнинг-10,2 (8,4%), 9,5 (8,5%) ва 11,6 г/л (8,1%) га, альбуминларнинг-2,7 (8,1%), 2,2 (8,9%) ва 3,1 (7,9%) г/л га (P<0,01), глюкоза миқдорининг-0,05 (9,1%), 0,04 (9,1%) ва 0,08 (9,6%) ммоль/л га паст бўлиши (P<0,05) кузатилди.

Қўзиларнинг ўртача тирик вазни зарарлантиришдан олдин ўртача 17,5±0,95кг ни ташкил этди. Зарарлантирилгандан олти ой кейин бу кўрсаткич биринчи тажриба гуруҳида ўртача 19,8±0,82кг, иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳларида – 19,3±0,77кг ва назорат гуруҳида 21,7±1,05 кг ни ташкил этди.Тажрибанинг охирги 17 ойида ўртача тирик вазн назорат гуруҳида 30,2±1,77кг ни ташкил этди, яъни тажриба гуруҳларидагига нисбатан ўртача 2-4 кг га юқори бўлди (P<0,01).

Тажрибадаги қўйларнинг жун маҳсулдорлиги 1-жадвалда берилган.

1.жадвал

Тажрибадаги қўйларнинг жун миқдорининг зарарлантириш муддати ва интенсивлигига боғлиқлигини ўрганиш натижалари

т/р	Қўйларнинг гуруҳлари	Жун миқдорининг текшириш муддатлари								
		6 ойдан кейин			9 ойдан кейин			17 ойдан кейин		
		Қўйларнинг сони (бош)	Жами жун миқдори, (кг)	Бир қўйга ўртача миқдори, (кг)	Қўйларнинг сони (бош)	Жами жун миқдори, (кг)	Бир қўйга ўртача миқдори, (кг)	Қўйларнинг сони (бош)	Жами жун миқдори, (кг)	Бир қўйга ўртача миқдори, (кг)
1.	Қўйлар бир марта 6000 нусхадан эхинококк онкосферали билан зарарлантирилган	14	8,420	0,601	8	5,985	0,746	5	4,025	0,805
2.	Қўйлар икки марта 3000 нусхадан эхинококк онкосферали билан 10 кун оралиғида зарарлантирилган	14	10,02	0,719	7	4,505	0,644	4	3,500	0,875
3.	Қўйлар икки ой давомида кунора 200 нусхадан эхинококк онкосферали билан зарарлантирилган	14	7,950	0,568	11	7,856	0,714	6	4,180	0,886
4.	**Назорат**	**8**	**7,066**	**0,883**	**8**	**7,845**	**0,980**	**8**	**10,410**	**1,301**

Жадвалдан кўриниб турибдики, қирқиб олинган жун миқдорининг зарарлантиришдан 6 ой кейин биринчи, иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳларида назоратга нисбатан, мос ҳолда, 0,282кг, 0,164 кг ва 0,315 кг га, 9 ойдан кейин, мос ҳолда, 0,234 кг, 0,336 кг ва 0,266 кг га ва 17 ойдан кейин, мос ҳолда, 0,5 кг, 0,426 кг ва 0,415 кг га кам бўлиши, шунингдек, жун сифатининг 1-2 навга пасайиши аниқланди.

Эхинококкоз оқибатида қўйчилик хўжаликларига етказиладиган иқтисодий зарар тирик вазн (ўртача 4 кг гача) ҳамда жун маҳсулдорлигининг (ўртача 0,5 кг гача) пасайиши ва жун сифатининг бир-икки навга ёмонлашиш, шунингдек, жигар ва ўпкп хом ашёсининг 30% гача ташлаб юборилиши ва мажбурий сўйиш (касалланган қўйларнинг 30% -гачасининг) ҳолларининг кўпайиши эвазига ҳар бош қўй ҳисобига ўртача 150-170 минг сўмни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг **«Эхинококкознинг олдини олиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари»** деб номланган олтинчи бобида ***Ҳайвонларни цестодозлардан соғломлаштириш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш*** учун тажрибалар Қашқадарё вилоятининг «Ғузор», «Пачкамар», «Нишон» ширкат, наслчилик ва қоракўлчилик хўжаликларида олиб борилди.

Хўжаликларда ценуроз ва эхинококкоз касалликларининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш мақсадида «Пачкамар» хўжалигидан 348 бош, «Ғузор» хўжалигидан 452 бош ва «Нишон» хўжалигидан 651 бош қўй ҳамда, мос ҳолда,125, 184 ва 132 бош ит текширилди.

Цестодозларга қарши қуйидаги тартибдаги соғломлаштириш тадбирлари мажмуйи ўтказилди:

хўжаликларда барча итларни рўйхатга олиш;

рўйхатга олинган итларни йилига 8 мартадан водород бромидли ареколин ва празиквантел препаратлари ёрдамида гижжасизлантириш ва бундаулардан 4 таси имагинал гижжасизлантириш бўлиб, бу пайтда итларни учинчи нажас чиқмагунга қадар боғлаб қўйиш ва қолган 4 мартаси преимагинал гижжасизлантириш бўлиб уларни ҳар имагинал гижжасизлантиришдан сўнг ҳар 45 кунда итларни боғламасдан ўтказиш;

барча дайди ва хўжалик учун кераксиз итларни йўқотиш;

сурувларда ценурозга чалинган қўйларни ажратиш ва санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда махсус жойларда уларни сўйиш ва каллаларини куйдириб ташлаш;

жорий йилда туғилган қўзиларни 2,0-2,5 ойлигида йилига бир марта ценуроз ва эхинококкозга қарши профилактик эмлаш;

хўжаликларда нобуд бўлган ҳайвонларнинг танаси, ички органлари ва калласини биргаликда бетон ўчоқларда куйдириш;

чўпонлар ва бошқа барча чорвадорлар орасида мазкур соғломлаштириш чора-тадбирлари мажмуйининг моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш.



1-расм.«**Пачкамар» хўжалигида ҳайвонларни цестодозлардан соғломлаштириш натижалари**

Соғломлаштириш чора-тадбирлари мажмуини ўтказиш натижасида тажриба хўжаликларида қўйларнинг ценуроз ва эхинококкоздан 3-4 йил давомида соғломлаштирилишига эришилди. Хусусан, «Пачкамар» хўжалигида соғломлаштириш тадбирларигача қўйларнинг эхинококкозга чалиниши 14,6% ни, ценурозга чалиниш 7,3% ни ташкил қилган бўлса, тадбирнинг биринчи йилида эхинококкоз билан зарарланиш ҳолати бўйича деярли ўзгариш кузатилмаган бўлсада, ценуроз билан касалланиши 2,6% га пасайди. Иккинчи йилга келиб қўйларнинг эхинококкоз билан зарарланиши 13,0%, ценуроз билан зарарланиши 1,7% ни, учинчи йилига келиб, мос ҳолда, 6,5% ва 0,4% ни ташкил этди.

